



***Ўзбекистоннинг
ўзига хос истиқлол ва
тараккиёт йўли***

РЕЖА:

- Ўзбекистонда давлат мустақиллигининг қўлга киритилиши, унинг зарурияти ва аҳамияти (давлат рамизларининг қабул қилиниши)
- Ўзбекистоннинг ўзига хос истиқлол ва тараққиёт йўли. Ўзбекистонда демократик давлат ва фуқоролик жамияти асосларининг яратилиши.
- Ўзбекистонда бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. Бозор инфраструктурасининг шаклланиши.
- Миллий ва маданий қадриятларнинг тикланиши, уларнинг жамият маънавий тараққиётида тутган ўрни.

- 1970- йилларда СССРда содир бўлган турғунлик ҳолати мамлакатда ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий вазиятни мураккаблаштириб юборди.
- 80-йилларнинг бошларига келиб СССРнинг таназзули кучайди.
- Барча республикаларда бўлгани каби, Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётида юз берган ўзгаришлар, жамиятдаги мавжуд камчиликлардан ошқора норозилик ҳаракатларининг кучайиши, халқнинг дилида мустақилликка интилишнинг кучайишига туртки бўлди./
- 1989 й. 21 октябрда республика Олий Кенгаши Ўзбекистоннинг давлат тили ҳақида қонун қабул қилиб, сиёсий, ижтимоий- иқтисодий ва маданий ҳаётнинг барча соҳаларида иш юритиш ўзбек тилида олиб борилиши қонунлаштирилди.
- Бу қонуннинг қабул қилиниши мамлакатимизнинг мустақиллик сари ташлаган биринчи қадами бўлди. Шу йўл билан марказдан келган лаёқатсиз кадрлар тўдасини тугатиш сари зарур қадам қўйилди.

- СССР таркибидаги халқлар эндиликда эскича буйруқбозлик тизимига бўйсуниб яшашни истамай қолди. Натижада, ишлаб чиқариш жараёнлари издан чиқиб, жамиятни бошқариш тартиби ва меҳнат интизоми бузилди.

- Марказ билан иттифоқдош республикалар ўртасидаги муносабатлар янада кескинлашиб, марказий ҳокимият томонидан мамлакатда сиёсий, иқтисодий ва хўжалик ҳаётини бошқариш янада қийинлашди.

**1989 йилнинг май ойида
Фарғона вилоятида
бузғунчи кучлар томонидан
оммавий тартибсизликлар
ташқил этилиши**

**1989 йил июнга келиб
оммавий
тартибсизликларнинг
ниҳоятда авж олиши**

ИЖТИМОЙ ЛАРЗАЛАР

**1989 йил 25 июнь куни
Фарғона жанжал
тўполонлар алангаси
ичида қолиб кетиши**

**Ўзбекистон етакчисининг
ловиллаб ёнаётган уйлар,
тахлика ва саросимага
тушган шаҳар ва
қишлоқлар, қаҳр ғазабга
тўлган одамларнинг ичига
дадил кириб бориши**

.. Барча воқеаларнинг илдизи – Фарғона водийсида яшаётган аҳолининг оғир ижтимоий-иқтисодий аҳволи билан боғлиқ.

Ислом Каримов

Ўзбекистонда оғир аҳволнинг вужудга келиш сабаблари

1

- иқтисодиётга раҳбарлик қилишнинг маъмурий-буйруқбозлик усулларига зўр берилиб, ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантиришга яроқсиз ёндашувларнинг тобора кучайиб бориши;

2

- республикага собиқ Марказдаги саноат вазирликлари ва идораларининг мўмай хомашё манбаи сифатида қараб келиниши;

3

- ўлканинг маҳаллий, ижтимоий-иқтисодий хусусиятларига баъзан етарлича, баъзан мутлақо баҳо берилмагани, баъзан эса бу хусусиятларнинг писанд ҳам қилинмагани;

4

- иқтисодий ва ижтимоий соҳани комплекс, жадал ривожлантиришнинг, умумиттифоқ меҳнат тақсимоотида Ўзбекистоннинг мавқеи ва ўрнини ўзгартиришнинг муқобил йўллари эътиборга олинмагани.

Биз бундан буён эскича яшолмаймиз ва бундай яшашига замоннинг ўзи йул қўймайди.

Биринчи кучлар

Н.Рижков ва В.Павлов Дастури тарафдорлари. Улар собик СССРни сақлаб қолиш, халқ хўжалигини марказдан бошқариш, ҳуқуқни кўпроқ марказда тўплаш ниятида эдилар. Улар иқтисодиётни ривожлантиришда социалистик йўлдан воз кечмасликни талаб қилар эдилар.


Иккинчи кучлар

С.Шаталин гуруҳи аъзолари тарафдорлари. Улар СССРни тарқатиб юбориш. Иттифоқдош республикалар ўрнида суверен, Мустақил Давлатлар тузиш, чексиз хусусий тадбиркорликни ривожлантириш. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштириш, колхоз ва совхозларни тугатиб, фермер хўжаликлари тузишни кўзда тутдилар. Бу моҳиятан иқтисодий ривожланишнинг социалистик йўлидан воз кечишни билдирар эди.


Учинчи кучлар

М.Горбачев Дастурини қувватловчилар. Улар мураса йўлини қидириб, юқорида тилга олинган ҳар икки Дастур йўналишларини уйғунлаштириш ва СССРни сақлаб қолиш, марказлашган маъмурий буйруқбозлик ҳокимиятини йўқотмаслик, «шоковая терапия» («фалаж қилиб даволаш») усулидан фойдаланиш ғоясини илгари сураб эди. Янги Иттифоқ Шартномасини тайёрлаш ҳам шу мақсадларга йўналтирилган эди. Жумладан, янги Иттифоқ Шартномасида мамлакат номини ҳам «Социалистик Республикалар Иттифоқи» деб эмас, «Мустақил Совет Республикалари», «Мустақил Давлатлар Иттифоқи» деб аташ тўғрисидаги таклифлар ҳам ўртага ташлана бошланган эди.


Биз Иттифоқ ва республикаларнинг вазифаларини, бурчларини ва ўзаро мажбуриятларини аниқ равшан белгилаб қўйиш, республикалар мустақиллигини ҳар жиҳатдан мустаҳкамлаш тарафдоримиз.



Жорж Вашингтон



Шарль Де Голль




Махатма Ганди



Жавоҳарлал Неру




Мустафо Камол
Ота турк



Жамол Абдул Носир



Ахмад Сукарно



Ислон Каримов



- 1990 й. 24 март куни Республика Олий Кенгашининг I- сессиясида “Ўзбекистон ССР президенти лавозимини таъсис этиш ҳамда Ўзбекистон ССР Конституцияси (Асосий қонуни)га ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” қонунни,

- Ўзбекистон Олий Кенгашининг 2- сессияси (1990 й. 20 июл)да “Мустақиллик Декларацияси”нинг қабул қилиниши республикамизнинг сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаётига доир масалаларни мустақил ҳал этишга кенг йўл очиб берди.

- Юқорида кўрсатилган ҳужжатлар Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигини эълон қилишда ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилди. Айти вақтда, мамлакатимиз халқ хўжалигини бозор иқтисодиётига ўтказишнинг ўзига хос йўлини белгилаб олишга киришилди.

- Шу асосда, “Ўзбекистон халқ хўжалигини соғломлаштириш ва бозор иқтисодиётига ўтишнинг асосий принциплари “ ишлаб чиқилиб, у 1990 й. 17 октябрда умумхалқ муҳокамасига қўйилди.

- **ЎЗБЕКИСТОНДА ЯНГИ ДАВЛАТ РАМЗЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ**



- I Ўзбекистон Олий Кенгаши 1991 йил 15 февралда «Ўзбекистоннинг давлат рамзлари тўғрисида» махсус қарор қабул қилди.
- II Қарорда шундай дейилади: «Мустақиллик тўғрисидаги Декларацияга амал қилиб Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши қарор қилади:
- 1. Ўн иккинчи чақириқ Олий Кенгаш II сессиясида тузилган Ўзбекистон ССР Конституцияси(Асосий Қонуни)нинг янги давлат лойиҳасини тайёрловчи комиссияга Ўзбекистон ССРнинг Янги Давлат байроғи, Герби ва Мадҳиясига доир таклифлар ҳамда улар тўғрисида Низомлар тайёрлаш топширилсин. Комиссия республика жамоатчилиги ва депутатларининг фикрларига таяниб иш курсин.
- 2. Бу борадаги таклифлар матбуотда эълон қилиниб, умумхалқ муҳокамаси уюштирилсин.

Миллий тимсоллар ва рамзларнинг ҳар бири ғуруримизни юксалтиришга хизмат қилади. Уларнинг ҳар бири - катта бир дарслик, кучли тарбия воситасидир.

И.А.Каримов



ЎЗБЕКИСТОН

- Олий Кенгашининг VIII сессияси (1991 й. 18 ноябр)да Давлат байроғи тўғрисида,

- Олий Кенгашнинг X сессияси (1992 й. 2 июл) да Давлат герби тўғрисида,

- Олий Кенгашининг XI сессияси (1992 й. 10 декабр) да Давлат мадҳияси тўғрисидаги қонунлар қабул қилинди.

- Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Олий Кенгашнинг XI сессияси (1992 йил 8 декабри)да қабул қилинди.

- У 6 бўлим, 26 боб ва 128 моддадан иборат бўлди.

- Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг асосий тамойиллари қуйидагиларни ўз ичига олади:

- *давлат суверенитети; халқ ҳокимиятчилиги;*

- *фуқаро (инсон)лар эркинликлари ва ҳуқуқларининг даҳлсизлиги ва устуворлиги;*

- *демократизм; давлат ва шахснинг ўзаро масъуллиги; қонунийлик; конституциянинг устуворлиги;*

- *ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши;*

- *маҳаллий ўз-ўзини бошқариш; суд тузилиши ва судлов.*

Ўзбекистон халқининг мустақиллик туфайли қўлга киритган имкониятлари:

ўз тақдирини ўзи белгилаш, жамиятнинг сиёсий тизимини мустақил яратиш, ҳокимиятни демократик асосда бошқариш

Моддий ва маънавий бойликларга тўла эгалик қилиш

тараққиёт йўлини жаҳон тажрибалари, тарихий анъаналар ва халқнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда мустақил танлаш

миллий давлатчилигимиз анъаналарига асосланган ҳолда ҳуқуқий демократик давлат қуриш

кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш

миллий ва диний қадриятларимизни қайтадан тиклаш

ёш авлодни ҳақиқий ватанпарвар этиб тарбиялаш

ижоднинг барча турларини ривожлантириш, истеъдод ва қобилиятларини тўла намоён этиш

юртимиз хавфсизлиги, фуқаролар тинчлиги ва миллатлараро тотувликни таъминлаш

халқаро муносабатларда мустақил ва тенг ҳуқуқли субъект сифатида иштирок этиш

Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишнинг юксак натижалари

Давлат ҳокимиятининг бўлиниш принципи



Қонунчилик палатасига сайланган номзодлар сони

Ўзбекистон Либерал-демократик партияси • 53 та


Ўзбекистон Халқ демократик партияси • 32 та

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси • 31 та

Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси • 19 та

Ўзбекистон экологик ҳаракати • 15 та

Вазирлар Маҳкамаси таркибини шакллантириш



Парламент депутатлигига номзод кўрсатиш ҳуқуқи

1999 йил

- Сиёсий партиялар
- Ҳокимият вакиллик органлари
- Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари

2004 йил

- Сиёсий партиялар
- Ташаббускор гуруҳлар

2009 йил

- Сиёсий партиялар

Ўзбекистонда суд тизими


Сайланадиган судлар (5 йил муддатга)

- Ўзбекистон Конституциявий суди
- Ўзбекистон Олий суди
- Ўзбекистон Олий ҳўжалик суди
- Қорақалпоғистон фуқаролик ишлари бўйича олий суди
- Қорақалпоғистон жиноят ишлари бўйича олий суди
- Қорақалпоғистон ҳўжалик суди

Тайинланадиган судлар (5 йил муддатга)

- Фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоят ва Тошкент шаҳар судлари
- Фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича туманлараро, туман, шаҳар судлари
- Ҳарбий ва ҳўжалик судлари

Марказий давлат ҳокимияти органларининг ўзаро муносабатлари



Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари


Фуқаролар йиғини

Фуқаролар йиғинининг кенгаши

Фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича
комиссиялар

Фуқаролар йиғинининг тафтиш комиссияси

Маъмурий комиссия



Ўзбекистон Республикаси
Конституциясининг 105-моддасида
таъкидланишича, “Шаҳарча, қишлоқ
ва овулларда, шунингдек улар
таркибидаги маҳаллалар ҳамда
шаҳарлардаги маҳаллаларда
фуқароларнинг йиғинлари ўзини-ўзи
бошқариш органи бўлиб, улар икки
ярим йил муддатга раисни (оқсоқолни)
ва унинг маслаҳатчиларини сайлайди

- Ўзбекистон давлат мустақиллигини қўлга киритгандан кейин янгиланган жамиятда яшовчи кишиларнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий тараққиётини таъминлашга қаратилган асосий йўналишлар И.Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» номли китобида кўрсатиб берилди.

Сиёсий соҳада:

- *халқ, ҳам бевосита, ҳам ўз вакиллари орқали давлат ҳокимиятини идора этишда тўла иштирок этиши ;*
- *ҳокимият бўлинишини жаҳон тан олган қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниш тамойилини жорий этиш асосида демократияни чуқурлаштириш ҳамда миллий давлатчиликни барпо қилишни;*

- *жамиятнинг сиёсий тизимини, давлат идораларининг тузилмасини тубдан янгилашни;*

- *барча фуқароларнинг қонун олдидаги ҳуқуқий тенглигини ва қонуннинг устунлигини таъминлашни;*

- *бир мафкуранинг, бир дунёқарашнинг якка ҳокимлигидан воз кечиш, сиёсий ташкилотлар, мафкуралар ва фикрлар хилма-хиллигини тан олишни;*

- *демократиянинг қонуний таркиби сифатида кўппартиявийликни шакллантиришни;*

- *Ўзбекистонда туғилиб, шу заминда яшаётган ҳар бир киши, миллий мансублиги ва эътиқодидан қатъий назар республиканинг тенг ҳуқуқли фуқароси эканлигини билдиради*


- **Иқтисодий соҳада:**
- *миллий бойликнинг кўпайишини таъминлайдиган барқарор иқтисодиётни барпо этишни;*
- *ижтимоий жиҳатдан йўналтирилган бозор иқтисодиётини босқичма-босқич шакллантиришни;*
- *мулк эгалари ҳуқуқларини давлат йўли билан ҳимоя қилинишини таъминлаш ва барча мулкчилик шаклларининг ҳуқуқий тенглигини қарор топтиришни;*
- *корхоналар ва ташкилотларнинг мустақиллигини кенгайтиришни, давлатнинг хўжалик фаолиятига бевосита аралашувидан воз кечишни;*

- **Ижтимоий ва маънавий соҳада :**
- *инсонпарварлик ғояларига содиқликни, инсон, унинг ҳаёти ва шахсий дахлсизлиги, эркинлиги, қадр-қиммати, яшаш жойини танлаш ҳуқуқи сақланиб қолишини;*
- *маънавиятни қайта тиклашни;*
- *ўзбек тилини такомиллаштиришни;*
- *ҳурфикрлик, виждон ва дин эркинлигини қарор топтиришни;*
- *ижтимоий адолат нормаларни рўёбга чиқариш, аҳолининг энг ночор қатламлари-кексалар, ногиронлар, етим-есирлар, кўп болали оилалар, ўқувчи ёшларнинг давлат томонидан иқтисодий муҳофаза қилишни таминлаш;*
- *одамларнинг истеъдод қобилиятларини намоён этиш учун шарт-шароит яратиш, маънавий мулкни ҳимоя қилиш.*

- Тарихий тараққиёт жараёнларига кўра бозор иқтисодиёти товар - пул муносабатларига асосланган бўлиб, у ўзига хос иқтисодий қонунлар асосида ҳаракатланади.
- Тарихда бозор иқтисодиётининг икки тури
- 1) стихияли бозор иқтисодиёти ва
- 2) бошқариладиган бозор иқтисодиёти мавжуддир.
- Ўзбекистон бозор иқтисодиётига ўтишнинг беш тамоили ишлаб чиқилган айниқса, **аҳолини ижтимоий ҳимоясини таъминлаш** давлат сиёсатининг бош йўналишидир.



Ўзбекистон Республикасидаги узлуксиз таълим тизими



- **Қадриятлар**
- жамият аъзолари ўртасида обрў эътиборли, нуфузли кишилар иштирокида яратилган моддий ва маънавий бойликлар мажмуидан иборат бўлиб, борлиқ ва жамиятда ҳамда инсон ҳаётида содир бўладиган муайян ҳодисалар, воқеалар, ҳолатлар ва уларнинг кишилар ижтимоий, маънавий ва маданий ҳаётига таъсирини билишда қўлланилади.
- Қадриятлар воқеа, ҳодисаларга муносабатни акс этдирувчи тушунча сифатида жамият ҳаётининг асосий мазмунларидан бирини ташкил этади.
- Одамлар онгида маънавий ва ахлоқий қадриятларни такомиллаштирмасдан жамиятни ривожлантириб бўлмайди.
- Қадриятлар ўз навбатида инсоният тарихий тараққиёти натижасида шаклланиб боради.



Ватан тарихи, тақдири ва истиқболига дахлдорлик туйғусининг тикланиши



аждодларимиз
юбилейлари ва
Қадимий
шаҳарларимиз юбилей
саналарини муносиб
нишонлаш

аждодларимиз
Хотирасига
атаб
ёдгорликлар ва
иншоотлар
қуриш



Ватан озодлиги
учун қурашларда
Ҳалоқ
бўлганларнинг
хотирасини
абдийлаштириш


Ўзбек ва чет
тилларида Шарқ
мутафакқирларининг
нодир асарларини
нашр этиш



**Халқнинг маънавий ўсиши - янги жамият қурилиши йўлида
қўйилган мақсадларга етишишнинг Ҳалқ билувчи омили**

Бетакрор меросимизнинг тикланиши

*Аждодларимизнинг
маънавий мероси*



*Халқ оғзақи ижоди,
Қадимий ёзма манбалар*

*Урф-одат, анъана,
маросим ва миллий байрамлар*

Ислом дини

Илм-фан, адабиёт ва санъат

Мустақил, суверен Ўзбекистон давлати халқимизнинг тарихий ғалабасидир

| | |
|----------|--|
| 1991 йил | • Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллиги; |
| 1994 йил | • Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллиги; |
| 1996 йил | • Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги; |
| 1997 йил | • Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллиги; |
| 1998 йил | • Аҳмад Фарғоний таваллудининг 1200 йиллиги; |
| 1999 йил | • Жалолiddин Манғуберди таваллудининг 800 йиллиги; |
| 1999 йил | • «Алпомиш» эпосининг 1000 йиллиги; |
| 2000 йил | • Камолiddин Бехзод таваллудининг 545 йиллиги; |
| 2001 йил | • «Авесто» китобининг 2700 йиллиги; |
| 2002 йил | • Термиз шаҳрининг 2500 йиллиги; |
| 2006 йил | • Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллиги; |
| 2006 йил | • Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги; |
| 2007 йил | • Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллиги; |
| 2007 йил | • Марғилон шаҳрининг 2000 йиллиги; |
| 2009 йил | • Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги |

Ўзбекистон ва жаҳон ҳамжамияти

- Ўзбекистонни суверен давлат сифатида дунёдаги 180 дан ортиқ давлат тан олди
- 120 дан ошиқ мамлакатлар билан расмий дипломатик, сиёсий, иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий алоқалар ўрнатилди.
- Тошкентда 40 дан зиёд мамлакат ўз элчихоналарини очдилар.
- Дунёнинг 30 дан ортиқ мамлакатларида Ўзбекистон Республикаси элчихоналари ёки консулхоналари фаолият кўрсатиб турибди.
- Республикада 88 та чет давлатлар ваколатхоналари рўйхатдан ўтган,
- 24 та ҳукуматлараро ташкилот ва 13 та ноҳукумат ташкилоти ишлаб турибди.

- Ўзбекистон минтақавий халқаро ташкилотлар, чунончи, Европа Иттифоқи, ЕХХТ, НАИТО, “ЭКО”, ОИК, қўшилмаслик ҳаракати ва бошқалар билан ҳам самарали ҳамкорлик қилмоқда.
- Республика НАТО нинг “Тинчлик йўлида ҳамкорлик” дастурида иштирок этмоқда.
- Ўзбекистон Германия, Буюк Британия, Франция, Бельгия, Австрия, Италия, Шарқий ва Жанубий Шарқий Осиё мамлакатлари Япония, Жанубий Корея, Хитой, Вьетнам, Малазия, Ҳиндистон, Индонезия ва б. мамлакатлар билан иқтисодий, маданий ва савдо алоқалари кенгайиб ва мустаҳкамланиб бормоқда.

- Ўзбекистон ўзининг маданий нуфузи, илмий технологиялари ва малакали кадрлари билан иқтисодий юксалиб, Марказий Осиёда интеграция марказига айланиши мумкин.
- Бироқ, бунинг учун қуйидаги бир қатор қийинчиликларни бартараф этишга тўғри келади:
- *СССР даврида Марказий Осиёда коммуникациялар номақбул ривожлангани учун унинг тармоқлари анча бузилган;*
- *Марказий Осиёда сув ресурслари чекланган ва экологик ҳалокат таъсири сезилиб туради;*
- *Минтақа атрофида кучли давлатлар ва сиёсий кучлар марказларининг бир-бирларига мос келмайдиган таъсир этиш истаклари мавжуддир.*
- *Мусулмон дунёсидаги баъзи давлатларнинг бир-бирларига мос келмаган манфаатлари хотиржамликка имкон бермаётир.*

Хушёрликка даъват: ўз уйингни ўзинг асра!



Халқаро терроризм кучлари қайтадан бирлашиб бош кўтараётган, маккор ва ёвуз услубларни қўллаётган бугунги мураккаб вазиятда ҳаётнинг ўзи халқаро ҳамжамият, жумладан, минтақамизда жойлашган барча давлатлардан бу балога қарши курашда ҳамкорликни кучайтиришни, бир ёқадан бош чиқариб, бундай уринишларга кескин зарба беришни, ҳар қандай тажовуз ва террорчилик хуружларининг олдини олиш, уларнинг мафкуравий заминини йўқотиш ва аввало, ёшларимизнинг қалби ва онги, соғлом тафаккури учун курашни тақозо этмоқда.

Ислом Каримов 35

*Этиборларингиз учун
рахмат!*